

## РАССОМ УЧУН ҚОРАЛАМАНИНГ АҲАМИЯТИ

*Мурод Асрарходжаевич Азлярходжаев*

*Тошкент Кимё халқаро университети. “Рангтасвир”*

*кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақола рассом учун қораламанинг аҳамиятини тушунишга ёрдам беради ва у билан ишлашнинг санъаткор учун қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади. Тасвирий санъатда қисқа муддатли қораламанинг бўлажак рассом учун идрок сифатини такомиллаштиришдаги ўрни кўриб чиқилади. Таълим жараёнини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар берилади.

**Калит сўзлар:** Қоралама, рассом, хажм, ритм, ҳаракат, композиция, шакл, образ.

**Annotation:** This article helps to understand the significance of sketching for an artist and demonstrates its importance in artistic practice. It examines the role of short-term sketching in enhancing the perceptual qualities of future artists in fine arts. Methodological recommendations for organizing the educational process are provided.

**Keywords:** Sketch, artist, volume, rhythm, movement, composition, form, image.

**Кириш.** Қоралама (набросок) — рассомнинг ижодий жараёнининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, у энг илк фикрлар ва тасаввурлардан тўғри йўналишда иш бошлашга ёрдам беради. Қоралама — бу рассомнинг асосий асарини яратишга йўлланма сифатида хизмат қилади, ва унинг техник жиҳатларини, композициясини, кўрсатиш усулларини белгилайди. Унинг аҳамиятини тўғри тушуниш, рассомга санъатда муваффақиятга эришишга ва ижодий жараёнини самарали бошқаришга ёрдам беради. Тасвирий санъат бўйича бўлажак ўқитувчиларнинг муваффақиятли педагогик фаолияти учун уларнинг профессионал ва махсус қобилиятларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қобилиятларнинг ривожланиши бир-бири билан боғлиқ бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида қисқа муддатли хомаки чизги машғулотларини аниқ ва тизимли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ушбу амалий иш туридан тўлақонли фойдаланилмаяпти, талабаларнинг бу турдаги расм чизишга бўлган қизиқиши сусайган, шунингдек, кўпинча улар тез ва ихчам қоралама чизиш қобилиятига эга эмас. Аммо бу маҳорат уларнинг келажакдаги касбий фаолияти учун ниҳоятда зарурдир.

**Асосий қисм.** Табиатдан қоралама чизиш жараёнида талабаларда узоқ муддатли машғулотлар давомида орттирилган тасвирий маҳорат мустаҳкамланади. Шунингдек, тезкорлик билан чизиш орқали объектларнинг энг муҳим хусусиятларини тўғри ва аниқ акс эттириш кўникмаси шаклланади.

Бу эса узоқ муддатли расм чизишда ҳар доим ҳам осон амалга оширилавермайди. Қоралама – ижодий жараённинг бошланиши. Қоралама – рассомнинг асарни яратишда қўйган илк қадамидир. Бу, асосан, чизиқлар ва шакллар орқали ҳолатни ифодаловчи дастлабки иш бўлиб, у ижодий жараён давомида деталларни ва тўлиқ аниқликларни ўз ичига олади. Қоралама орқали рассом асарнинг умумий тасаввурни шакллантиради, композицияни белгилайди ва бунда унинг асосий фикрлари ва дастлабки ғоялари пайдо бўлади. Натурадан қоралама чизишнинг асосий вазифаси, одатда чизилаётган объект(инсон, жонзод, буюм) ёки ҳодисанинг энг муҳим жиҳатларини тез ва аниқ акс эттиришдан иборат бўлади. Ўқувчилар кўпинча узоқ муддатли чизматасвирда буни амалга ошира олмайдилар. Натурадан қораламалар яратишнинг асосий мақсади – кузатув натижаларини фақат рассомлар илғай олувчи ҳаракат ҳолатларини ифодали шаклда қайд этишдир. Тасаввурга асосланган қораламалар, табиатдан қараб бажарилган қораламалар ва эскиз қораламалар кузатилган объектни чуқурроқ англаш вазифаси билан боғлиқдир. Тасаввур асосида чизиш жараёнида ҳаётий тажриба, кузатувлар ва аввалги тасвирлаш амалиётлари асосида ижодий фикрлар фаоллашади, шунингдек, яхлит кўра олиш, фазовий ва образли тасаввур қила олиш малакалари шаклланади.



1

1-расм. Репин қораламаси.

<sup>1</sup> <https://www.pinterest.com/pin/553590979195166027/> Набросок Репина.



3

2-расм. Пинтерестдан қоралама. 3-расм. Эдуард Мане. “Мадам Жюле Гильме портрети”.

Тасаввурга асосланган қораламалар рассомни ягона нуқтаи назар билан боғламайди, балки объектни турли томондан кўриш ва шаклни ифода этиш маҳоратни ривожлантиради. Улар табиатдан амалий кузатувларни ўз ичига олган фантазия асосида қурилади. Тасвирий фикрлашни ривожлантириш учун талабалар диққатини ҳажм ва фазони ифода этиш муаммоларини ечишга қаратилган машқларга жамлаш керак.

Натурадан чизилган қораламалар тасвир санъатидаги саводхонликни ўзлаштиришга ёрдам беради, хотирадан чизилган қораламалар эса бу билим ва маҳоратларни мустаҳкамлайди. Хотира асосида тасвирлаш машқлари кузатувчанликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу жараёни такрорий кузатишлар ва текшириш орқали янада самарали қилиш мумкин. Такрорий машғулотлар эса хотирани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Агар амалий иш бадий-образли ифодалаш вазифалари билан олиб борилса, қисқа муддатли чизиш машғулотларида кузатувчанликни шакллантириш жараёни энг фаол тарзда кечади. Бу усул энг самарали таълим методларидан бири ҳисобланади, чунки бўлажак педагоглар учун бадий билим ва тасаввур орқали воқеликни эстетик англаш катта аҳамиятга эга. Тасвир жараёнида табиатдан кўриб, тўғридан-тўғри кузатишлар ва педагог томонидан тўғри

<sup>2</sup> <https://www.izocenter.ru/blog/nabroski-karandashom-bystraya-i-effektnaya-grafika/#article-396-23>

<sup>3</sup> <https://aquamarin-school.ru/risovanie/nabroski-figury-cheloveka-vidy-i-tekhnika-risovaniya>

йўналтирилган бевосита таассуротлар объектни ифодалашда муҳим роль ўйнайди.

Қоралама – фикрларни тартиблаш ва шакллантириш воситаси. Рассом учун қоралама – бу нафақат тасвирларни ҳажм ва пропорцияларга мослаштириш, балки ижодий фикрларни жамлаш ва уларни янги шаклларда ифодалаш учун ҳам муҳим воситадир. Қоралама жараёнида рассом, ўзининг тасаввурларини шаклга солади, шу билан бирга уларни тўлдириш, тузатиш ва такомиллаштириш учун шарт-шароит яратади.

Қораламада динамика ва пластика. Рассом қораламада шакллар ва динамикани тўғри белгилашга ҳаракат қилади. Бу, унинг асарига таъсирлилик ва ҳис-туйғуларни кўшиш имконини беради. Қораламада аниқ деталлардан қочиш ва композициянинг умумий динамикасини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, рассом қораламада ҳар бир элементни эҳтиёткорлик билан танлайди, асосий мақсадга – нафақат визуал жозибadorликни, балки аниқ ва тўғри образларни ҳам яратишга интилади.

Қоралама – ижодий синаш ва эксперимент. Қораламада рассом турли хил ёндошувлар ва эксперимент қилишни амалга оширади. Унинг ёрдамида рассом турли композицияларни, хатти-ҳаракатларни, ҳис-туйғуларни ва рангларни синаб кўриши мумкин. Бу жараёнда ҳар қандай картина ёки амалий ишга тушган, мос келган ва керакли бўлган элементлар қисқа вақт ичида белгилаб олиниши мумкин. Бу, ўз навбатида, масалан композиция асарининг асосий образлари ва шакллари белгилашга ва унинг самарали ривожланишини таъминлашга ёрдам беради. Қоралама – асарни мукаммаллаштириш учун замин. Қоралама, асосий асарнинг конструктив ва эстетик жиҳатларини белгилаш учун фойдаланилади. Рассом қораламада ўзининг хато ва камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этишга ҳаракат қилади. Бу унинг ижодий жараёнида мукаммал натижага эришиш учун асосий механизмдир. Қоралама, шунингдек, рассомга асарни назарий жиҳатдан тўғри ва самарали тузишга, ўзининг шахсий услубларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Қоралама – ижодий муаммоларни ҳал қилишда ёрдамчи восита. Қоралама жараёнида ҳар бир рассом ўзидаги ижодий муаммоларни ҳал қилиш ва янги ўйлар яратиш имконини топади. Бирор композиция ёки амалий ишда хато бўлса, қоралама уларни ёки шаклни ўзгартириш ва такомиллаштиришга имкон беради. Шунингдек, рассом қораламада ҳар қандай янги йўналиш ва тадқиқотлар учун мустақил ҳаракатлар қилиши мумкин, бу эса унинг ижодий ривожини учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳаракатдаги натурани тасвирлаш вазифаси айниқса қийинлик туғдиради. Бу жараён натурани жуда фаол кузатишни талаб қилади. Шу билан бирга, бу ўқитиш жараёнида жуда муҳим босқич ҳисобланади, чунки бундай машқлар «Тез идрокни» шакллантиришда самарали усул ҳисобланади.

В. С. Кузин «Тез идрок қилиш» (қораламада рассом тез идрок қила олиши) муаммосини ўрганар экан, унинг ривожланиши муҳим эканлигини таъкидлайди, чунки бу жараён рассомга қоралама ва тезкор тасвирларда объектнинг моҳиятини акс эттириш имконини беради, иккинчи даражали деталлар ва ортиқча майда тафсилотларни эътибордан четда қолдиради. Унинг фикрича, «Тез натурадан тасвирлаш жараёнида кўриш образи алоҳида қисмларда эмас, балки тўлиқ тарзда, барча компонентлари уйғунликда ўзгаришга учрайди». Яъни рассом талабаларга қораламалар бажариш яхлит кўра олиш кўникмасини шакллантиради.

**Хулоса.** Ҳаракатдаги натурани кузатиш биринчи таассуротдаги тез идрок этишни фаоллаштиради, кузатилаётган объект бир неча сония онгда сақланиб қолади, бу эса рассомга унинг умумлаштирилган образини яратиш имконини беради. Жуда тез ҳаракатланаётган объектларнинг эскизларини чизиш кўриш хотирасининг максимал даражада зичлашувини талаб қилади, ҳамда таҳлил ва синтез каби фикрий жараёнларнинг фаоллашишига сабаб бўлади. Агар қоралама ва тезкор тасвирлар тизимли равишда ўқув жараёнининг узвий қисмига айланса, қисқа муддатли чизиш машғулотларида кузатувчанликни шакллантириш самарали тарзда кечади.

Қоралама – рассом учун муҳим жараён бўлиб, у нафақат асарнинг техник ва визуал жиҳатларини белгилайди, балки ижодий фикрлар ва ягона концепциянинг шаклланишига ёрдам беради. Қоралама орқали рассом, шакллар, пропорциялар, динамика, ранглар ва композиция ҳақидаги ўз тасавурларини аниқ ва самарали кўрсатиши мумкин. У, асосий асарни яратишга керакли замин тайёрлашда муҳим роль ўйнайди ва ҳар бир ижодкорнинг амалий ва бадиий ижод жараёнида ўз устида ишлаш имкониятини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Кузин В.С. Рисунок. Наброски и зарисовки: Учебное пособие для студ. Высш. Пед. Учеб. Заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. - 232 с.
2. Лейзеров И.М. Зарисовки и наброски с натуры//Школа изобразительного искусства.-М.,1994.
3. Барщ А.Щ. Наброски и зарисовки.-М.,1970.